

YURIDIK GAZETA

РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИНING ХАЙЪАТ МАЖЛИСИ

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – АСОСИЙ МЕЗОН

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг ўтган ҳафтада бўлиб ўтган кенгайтирилган ҳайъат мажлисида куйидаги иккита масала муҳокама қилинди: — Республика Президенти Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар;

— Республика прокуратураси идораларининг қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш борасида 2000 йилдаги фаолияти яқунлари.

Мажлиси Республика Бош прокурори, 1- даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Рашит Қодиров олиб борди. Республика Бош прокурорининг биринчи ўринбосари, 3 - даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Азимжон Эргашевнинг кун тартибидаги масалалар юзасидан маърузаси тингланди.

(Давоми 2-бетда.)



Суратларда: йиғилишдан лавҳалар.



А. ТЎРАЕВ суратлари

КЎКЛАМ КЕЛАДИР!

Кўкламойим йўлга чиққан. Кўкламойим кўзгалган,
Кўк кўйлакнинг битишига, унча кўп ҳам қолмаган!

Тиниқ ҳаво... Кўк юзинда оппоқ, ҳарир пардадек
Оқ булутлар, унда-мунда ёпилганлар паришон.
Шуълаларнинг акси билан, йилтиллаган, ёнгандек,
Кун тиллари, қарашларга ўткир-ўткир санчилган...

Қип-ялғоч дарахтлар ҳам кучоқ очиб, кўз тутиб,
Кўк кўйлакнинг битишини чидамасдан куталар.
Қаргалар ҳам қишда қилган гуноҳларни унутиб,
Узр айтмасдан, индамасдан учиб-учиб кеталар.

Сезгиларни уйғотувчи ҳидли гуллар тўпланиб:
“Биз ҳам йўлга чиқдик!” дея юборганлар бир чопар.
Гул ҳидидан ризқ эмгувчи эсониворлар уйғониб,
Эрта-индин боқчаларга, чаманларга оралар.

Кўкламойининг ипак кўйлак этаклари судралиб,
Қора ернинг бошларини силаб-сийпаб келади.
У силашдан, у сийпашдан қувват олиб, куч олиб,
Қора ер ҳам кўксидаги олтинларни берадир.

Кўклам билан юртимга ҳам бир кўкариш келади,
Кўпгиллар ҳам ҳаволардек кўклам ҳиди берадир,
Дилларга ҳам ҳаволардек кўклам руҳи кирадир!..

ЧЎЛПОН

Ушбу сонда

«ХУҚУҚ» ПОЧТАСИДАН

... Тошкент вилоят суди М.Аҳмедованинг аризасига асосан, фуқаролик ишини кўриб чиқиш учун Янгийўл шаҳар судига юборган. Аммо ҳозирга қадар иш Янгийўл шаҳар судига келиб тушмаган.

3 - бет

ПОРАХЎРЛАР ҚАТЛ ЭТИЛДИ

Хитойда ўтган йилнинг ноябрь ойида контрабанда ва порохўрликда айбланган 11 киши ўлим жазосига ҳукм қилинган эди. «Синьхуа» агентлигининг хабарига кўра, суд ҳукмидан норози бўлиб ёзган шикоятларни рад этилди.

7 - бет

София САФТАРОВА:

Ватанпарварлик жуда катта ҳис-туйғу эканлигига иймоним комил. Ватан билан ўзингни бир бутунликда англаш юксак фазилатдир. Яхши-ёмон кунига асқотиш эса катта бахт.

8 - бет

Моҳият

Инсоннинг оёғи ўз юрти заминига томир отиши керак, лекин унинг нигоҳи бутун дунёни кузатсин.

Ж. САНТАЯНА.



«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta' sischilar

O'zbekiston Respublikasi prokuraturasi, Toshkent shahar va Toshkent viloyati prokuraturalari, «Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:

A.ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov, Komiljon Ismoilov, Dilshod Islomov (Bosh muharrir o'rinbosari), Shavkat Yodgorov (mas'ul kotib), Lola Shomurodova, Muxtor Shodmonov, Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot qo'mitasida №00150 raqam bilan ro'yxatga olingan Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34

E-mail: huquq@mail.Uz.Net.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalriga qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Gazetada bosilgan fakt va dalillar uchun muallif mas'ul. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Huquq»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teridi va sahifalandi. «Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida ofset usulida A-3 formatda chop etildi. Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 2149 Nuxsasi — 27354

Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00 Bosmaxonaga topshirildi

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi

Navbatchi muharrir J. SHAROFBOYEV Navbatchi N. MAHMUDOV Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИНING ХАЙЪАТ МАЖЛИСИ

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — АСОСИЙ МЕЗОН

(Бошланishi 1-бетда.)

Мажлисида прокуратура идоралари фаолиятидаги ижобий ишлар билан бирга йўл қўйилаётган камчиликлар юзасидан ҳам фикрлар билдирилди.

Ўтган йилда прокуратура идоралари қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишларни бажарганлиги қайд этилди.

Прокурорлик назорати мамлакатда иқтисодий эркинлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, деҳқон-фермерлар манфаатини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалигида ислохотларни жадаллаштириш, маънавиятни юксалтириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар билан муштарак ҳолда олиб берилди.

Мазкур соҳаларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари 60 миңдан зиёд прокурорлик таъсир чоралари ёрдамида бартараф қилинди. Қонунбузарликка йўл қўйган 67 миңга яқин шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилиб, 4 миңга яқин жиноят иши қўзғатилди.

Прокурорлар томонидан фуқаролар ва ташкилотлар манфаатларини қўллаб-қувватлашга жами 21 миңдан ортиқ, 32,3 млрд. сўмлик даъво аризалари киритилди.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ҳамкорликдаги фаолияти натижасида республика ҳуду-

дида умумий жиноятларнинг икки фоизга камайишига эришилди. Тергов сифатини яхшилаш борасида ҳам тегишли тадбирлар амалга оширилди. Прокуратура терговчилари томонидан қатор мураккаб, ўта оғир ҳамда мустақилликка, тинчлик ва хавфсизликка таъжовуз қилаётган диний экстремизм, терроризм билан боғлиқ жиноятлар юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилди. Жиноятлар оқибатида етказилган 4,2 млрд. сўмлик моддий зарарнинг тергов жараёнида айбдор шахслардан ундирилиши таъминланди.

Судларда прокурор ваколатини таъминлашга эътибор янада кучайтирилиб, жиноий, фуқаролик ҳамда ҳўжалик ишлари бўйича ҳукм ва қарорларнинг қонунийлигини таъминлаш чоралари кўрилди.

Шунингдек, прокурорлик назоратининг бошқа йўналишларида амалга оширилган ишлар хусусида сўз юритилди.

Маърузада таъкидланганидек, қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги бугунги аҳвол прокуратура идораларини қониктирмайди. Негаки, ҳали ечимини кутаётган қўллаб-қувватлаш масалалари, вазибалар турибди. Маърузада қайд этилган танқидий мулоҳазалар юзасидан Қорақалпоғистон республикаси прокурори Х. Ҳалимов, Тошкент шаҳар прокурори М. Наимов, Фарғона вилоят прокурори Ю. Абдукаримов, Самарқанд вилоят прокурори А. Хусанов, Қашқадарё вилоят прокурори

М. Мирсолиҳов, Наманган вилоят прокурори Ф. Барноев, Тошкент вилоят прокурори К. Исмоилов, Хоразм вилоят прокурори Д. Исроилов ва уларнинг ўринбосарлари тушунтириш бердилар.

Муҳокама якунида Республика Бош прокурори, 1-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Рашид Қодиров нутқ сўзлаб, асосий эътиборни Вазибалар Маҳкамасининг 2000 йил якунларига бағишланган мажлисидаги Президент Ислам Каримов маърузасидан келиб чиқадиган вазибаларга қаратди.

Мамлакат иқтисодийнинг ривожини кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигида ислохотларнинг боришига боғлиқ эканлиги сабабли ҳўжаликларни ширкатларга айлантириш, оилавий пудрат муносабатларини жорий этиш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари прокуратуранинг ҳам энг долзарб вазибалари қаторидан ўрин олиши зарур.

Кейинги йилларда тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривожини қўлай шароитлар яратилмоқда. Доимий назорат ёрдамида уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишининг таъсирчан чоралари кўриб борилиши шарт. Тадбиркорлар фаолиятига назорат қилувчи идоралар томонидан асосиз аралашуви, қонунсиз текширишларга чек қўйилиши керак.

Ташки иқтисодий фаолият борасида назорат қўйилиши, алоҳида эътибор фаолият кўрсатмаётган қўшма корхоналарни ўрганишга, бунинг сабабларини аниқлашга, хорижий инвестициялар масаласига қаратилиши талаб қилина-

Иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш, қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш, солиқ тушувларини таъминлаш ва нақд пул эмиссияси даражасини барқарорлаштириш кўп жиҳатдан бу соҳалардаги қонунларнинг аниқ ижро қилинишига боғлиқ. Бу борада кўпроқ амалий натижаларга эришиш, тегишли идораларнинг масъулиятини ошириш зарур.

Жамият ҳаётини ҳар томонлама эркинлаштириш борасидаги бу стратегик вазибалар Ўзбекистонда узоқни қўллаб амалга ошириладиган илчил сиёсат ифодасидир. Буларнинг ечими аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларни бажаришга бевосита таъсир кўрсатади.

Мамлакатимиз тараққий этиш авлодининг баркамоллигида эканлиги алоҳида қайд этилди. Шу боис ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг ижтимоий ҳуқуқлари ҳимояси бундан кейин ҳам прокуратура идоралари фаолиятининг устувор соҳаси бўлиб қолади.

Бунда воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар имкониятларидан кенгрок фойдаланиб, уларнинг ҳақиқий ишчан орган бўлишига эришиш шартлиги таъкидланди. Прокуратуранинг юзи ва обрўси хизмат қилаётган ходимларнинг фидокорона меҳнати, ҳалоллиги ва камтарлигига боғлиқлиги алоҳида қайд этилди.

«Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳаси умумхалқ муҳокамасидан ўтмоқда. Бу муҳим ҳужжат прокуратура фаолиятини самарали ташкил қилишга хизмат қилади. Ҳайъат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими А. Холмаҳматов иштирок этди.

Юқоридаги масалалар юзасидан ҳайъат мажлиси тегишли қарор қабул қилди.

(Ўз мухбиримиз.)

ТАДБИР



ҚОНУНЛАРНИ ҲАММА БИЛМОҒИ КЕРАК

Айни кунларда Хоразм вилоят прокуратура идоралари бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамкорлигида яқинда амалга киритилган «Судлар тўғрисида»ги қонун ва муҳокамага қўйилган янги тахрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги қонун лойиҳасини оммага чуқур тушунтириш ва уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганишга қаратилган қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Ана шундай тадбирлардан бири яқинда Урганч банк коллежи ва шаҳардаги мусиқа билим юртида ўтказилди. Вилоят фуқаролик ишлари бўйича суд раиси А. Ҳўсчанов, прокуратура ходимлари О. Сариев, Д. Рўзमतов ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ёшларга шаҳарда қонунчиликка риоя этилишининг аҳволи, юқорида номлари тилга олинган қонунларнинг аҳамияти хусусида сўзлаб бердилар.

Анжуманда сўзга чиққан бошқа иштирокчилар ҳам халқ хоҳиш-иродасини ўзида муҳасамлаштирган юқоридаги қонун ҳужжатлари фуқароларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилишда, қонунчиликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутганини алоҳида таъкидлаш билан бирга, бу борада ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини ҳам билдирдилар.

Суратда: Учрашувдан лавҳа.

Б. ҲУСЧАНОВ,

Урганч шаҳар прокуратурасининг иш ўрганувчиси

АНЖУМАН

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТИ ВА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ

Ўтган ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ана шу мавзуда семинар бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис кўмиталари ва бўлимларининг раҳбарлари, депутатлар, Республика прокуратураси бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари, ҳуқуқ-тартибот идораларининг масъул ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда журналистлар иштирок этдилар.

Кун тартибидаги биринчи масала — «Прокуратура тўғрисида»ги қонун (янги тахрирда) лойиҳаси ҳақида Олий Мажлис кўмитаси раиси Нуриддинжон Исмоилов маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1-ўринбосари Азимжон Эргашевнинг «Суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш жараёнида прокуратура органларининг ўрни ва роли» мавзусидаги ва Республика прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиғи Ҳамза Маҳмудовнинг «Прокуратура органларининг жамоатчилик билан алоқалари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг вазибалари» мавзусидаги маърузалари ҳам семинар қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Мунозарада катнашганлар «Прокуратура тўғрисида»ги қонун (янги тахрирда) лойиҳасини тайёрлашда катта меҳнат қилганликларини таъкидлаган ҳолда бу ҳуқуқий органнинг XXI асрдаги мақомини ва фаолият йўналишини белгилловчи мазкур ҳужжатнинг янада мукамал бўлишига доир фикр-мулоҳазаларини очик баён этишди.

Қонун лойиҳасига доир жуда қўллаб-қувватлаш ва мулоҳазалар тушаётганлиги, лойиҳа муҳокамасига доир бундай семинарларни республикамиз ҳудудларида ҳам ўтказиш мумкинлаштиришга маълумотларни қонун ижодкорлиги ошқоралик ва халқчил руҳда ўтаётганлигини кўрсатади. Шунинг учун мазкур семинар ҳам қизгин баҳсларга, қимматли фикр-мулоҳазаларга бой бўлди.

(Ўз мухбиримиз)

Тахририят

ХАТҚУТИСИДАН

ТАХРИРИЯТДАН

ТАРОЗИНИНГ ИККИ ПАЛЛАСИ

Тахририятимизга Пахтачи туманидан Ҳанифа Эшпўлатова исмли аёл турмуш ўртоғи билан қонуний ажрашганлиги, суд қарорини қайта кўриб чиқиш, фарзандларининг бағрига қайтишида ёрдам беришимизни сўраб мурожаат қилган эди. Ушбу аризани ўрганиб, ҳолис ҳукм чиқариш учун тахририят хатни Пахтачи туман ҳокимлигига жўнатди. Ҳокимликдан қуйдагича жавоб олдик:

"Эшпўлатова Ҳанифа 1999 йилнинг март ойида туман хотин-қизлар кўмитасига ёзган аризасида турмуш ўртоғи билан жанжаллашиб қолганлиги ва эри уни уриб уйдан чиқариб юборганлигини, шунинг учун яраштириб қўйишларини сўраган эди. Ушбу масалага туман ҳокимлиги масъул ходимлари бир неча марта аралашиб, оилани яраштириб қўйган. Лекин шундан кейин ҳам Ҳ.Эшпўлатова оиласини сақлаб қолмиш ўрнига жанжални кучайтирган ва натижада турмуш ўртоғи ажралиш тўғрисида туман судига ариза берган. Ҳ.Эшпўлатова фарзандларини турмуш ўртоғига ташлаб, ойлаб ота-онасиникига кетиб қолган пайтлари ҳам бўлган. Шу сабабли, суд фарзандларни отасига қолдириш ҳақида қарор чиқарган. Ҳ.Эшпўлатованинг собиқ турмуш ўртоғи Н.Отақулов ҳозирда бошқа аёлга уйланиб, фарзандларини биргаликда тарбияламоқда. Ҳ.Эшпўлатова эса бир қизи билан онасиникида яшамокда. Туман хотин-қизлар кўмитаси ариза муаллифи билан суҳбат ўтказиб, уни оиласи билан яраштириб қўйишга бир неча бор ўринишганини, лекин ўзи она ва аёл сифатида бунга ҳаракат қилмаганлигини айтиб ўтди".

Жавоб хатига туман хотин-қизлар кўмитасининг ҳокимликка йўллаган хати, Самарқанд вилоят судининг ҳал қилув қарори, Қайиш-Элбеги маҳалласи раиси ва аризачининг собиқ турмуш ўртоғи Н.Отақуловнинг билдириш хатлари ҳам илова қилинган.

Пахтачи туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Р.Умарова имзоси билан олинган жавобда ҳам юқоридagi жавоб хатида айтилган фикрлар тасдиқланган. "Бунинг устига, — қўшимча қилинади жавобда, — оилани сақлаб қолмиш мақсадида бир неча масъул кишилар ва Ҳ.Эшпўлатова иштирокида унинг собиқ турмуш ўртоғи Н.Отақуловнинг уйда суҳбат ўтказилган. Н. Отақулов турмуш ўртоғи Ҳ.Эшпўлатованинг бир қанча камчилик ва нуқсонларини гапириб, ярашиш истаги йўқлигини билдирган. Ҳ. Эшпўлатова эса гувоҳлар олдида турмуш ўртоғига ўзининг бажариб бўлмайдиган талабларини қўйган (яъни агар мен шу уйда яшайдиган бўлсам, ота-онанг ҳам, қариндош-уруғларинг ҳам меникига қадам босмасин ва ҳоказо) ва шу куннинг ўзидаёқ улар билан жанжаллашиб, уйдан ҳайдаб чиқарилган".

Туман судининг ҳал қилув қароридан: "Судга даъво ариза билан мурожаат қилган Н. Отақулов Ҳ. Эшпўлатова билан ўрталаридаги никоҳни бекор қилишни сўраган. Суд мажлисида у берилган тўрт ой муддатда Ҳ.Эшпўлатова билан ярашмаганлигини, аввал ҳам судга даъво ариза билан мурожаат қилганлигини, бундан кейин турмуш ўртоғи билан оиласини тиклай олмаслигини, фарзандларини ўз тарбиясида қолдиришни сўраб, кўрсатма берди. Жавобгар Ҳ. Эшпўлатова даъвогарнинг даъвосини қисман тан олиб, берилган муддат ичида турмуш ўртоғи билан бирга ярашмаган бўлса-да, никоҳни бекор қилишга қарши эканлигини айтди. Ажралиш нияти умуман йўқлигини, 5 нафар фарзандини эри билан бирга тарбия қилишини гапирди. Суд даъвогар ва жавобгарнинг кўрсатмалари ва иш материаллари билан танишиб, келажакда уларнинг оиласини тиклаб яшаб кетиш имкони йўқ, деган хулоса билан Н.Отақуловнинг даъвосини қаноатлантиришни лозим деб билди".

Ҳ. Эшпўлатованинг собиқ турмуш ўртоғи Н.Отақуловнинг билдириш хатидан: "Мен Ҳ. Эшпўлатова билан 2000 йил 14 апрель кунин суд қарорига асосан ажрашганман. 5 нафар фарзандимнинг 4 таси ҳозирда мен билан бирга. Собиқ хотиним билан ярашиш истагини йўқ. Ҳозирда мен бошқа аёлга уйлانганман. Болаларим тарбияси билан ўзим шугулланаман."

Тахририят ҳар куни ўнлаб хат олади, уларнинг аксарияти шикоятлар. Кимдир кимдандир нолийди. Аммо тарозининг икки палласи бор. Юқоридagi шикоят ва воқеликнинг ҳақиқий манзарасини шунинг учун келтирдик. Хулосани ўзингизга қўйиб берамиз, азиз ўқувчи...

«ҲУҚУҚ»ҚА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ИШИНГИЗ ҲАЛИ ЙЎЛДА ЭКАН...

Тошкент вилоятининг Чиноз тумани, Ишчилар шаҳарчасида яшовчи Манзура Аҳмедованинг тахририятимизга йўллаган аризаси кўриб чиқиш учун Республика прокуратурасига юборилган эди. Яқинда ушбу шикоят юзасидан қуйдаги жавобни олдик:

"Фўқаро М.Аҳмедованинг аризаси кўриб чиқилди. Аниқланишича, даъвогар М.Аҳмедова жавобгар "Чинозгаз" идорасига нисбатан ишга тиклаш ва бекор юрган вақти учун иш ҳақини ундириш тўғрисидаги даъво билан 2000 йил 20 мартда Чиноз туман судига мурожаат этган.

Чиноз туман судининг 20 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво рад қилинган. Тошкент вилоят судининг фўқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 17 майдаги ажрими билан қарор ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд қарорлари юзасидан Тошкент вилоят прокуратураси вилоят суди раёсатига назорат тартибда протест келтирган. 2000 йил 4 августда протест қаноатлантирилиб, суд қарорлари бекор қилинган ва фўқаролик иши қайта кўриш учун юборилган.

Чиноз туман суди фўқаролик ишини 2000 йил 22 августда иш қўритувига қабул қилган. Кейинчалик 2000 йил 4 сентябрда М.Аҳмедова ҳимоячи олиши муносабати билан унинг ишни кўришни тўхтатиб туриш ҳақидаги аризасига асосан фўқаролик ишини кўриш 20 сентябрда қолдирилган. Шу кун даъвогар суд мажлисига келмаганлиги сабабли ишни 2000 йил 2 октябрда кўчирилган. 2 октябрда М.Аҳмедова суд-

яни рад этиш ҳақида мурожаат қилган. Бироқ унинг аризаси рад этилган.

М.Аҳмедова 13 октябрь кунин Тошкент вилоят суди раёсатига мурожаат қилиб, фўқаролик ишини кўриш учун бошқа судга юборишни сўраган.

Унинг талаби қондирилиб, 2000 йил 15 ноябрда фўқаролик иши Бўқа туман судига юборилган. Туман суди 17 ноябрда ишни қабул қилиб, уни 27 ноябрда кўришни белгиланган, лекин тарафлар ҳозир бўлмаган. Шунингдек, бу ҳол 4 ва 15 декабрда ҳам такрорланган. Шундан сўнг М.Аҳмедованинг аризасига асосан Тошкент вилоят суди 2000 йил 26 декабрда фўқаролик ишини кўриш учун Янгийўл шаҳар судига юборган. Ҳозирга қадар иш Янгийўл шаҳар судига келиб тушмаган.

Тошкент вилоят прокуратураси томонидан фўқаролик иши кўрилишида сансалорликка йўл қўйилганлиги ҳолати бўйича вилоят адлия бошқармаси ва вилоят судига тақдимномалар киритилган.

И.ЖАСИМОВ,
Республика прокуратураси
Судларда фўқаролик ишлари
қўрилишида прокурор ваколатини
таъминлаш бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси

"ШУДГОР"

«Ҳуқуқ», 17 январь 2001 йил

Мурабат туман прокуратураси "Ҳуқуқ" газетасида чоп этилган "Шудгор" сарлавҳали мақола юзасидан текшириш ўтказди.

Текширишда маълум бўлишича "Туркистон" ширкат ҳўжалигида режадаги 1726 гектар ер майдонини шудгор қилиш 2000 йил 15 декабрда тугалланмаган. Мазкур ҳўжаликда ҳайдов тракторларининг етишмаслиги, туман машина-трактор парки давлат акционерлик жамиятига қарашли "Магнум" русумли тракторлари ҳўжаликлар ерларини навбат билан ҳайдаётганлиги, ҳўжалик раҳбарлари томонидан қўшимча тракторларни жалб қилиш ва шудгорлашни етарли даражада ташкил этмаганлиги сабабли бу иш вақтида бажарилмаган.

Вазирлар Маҳкамасининг "2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказишга доир кечиктирилиб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори талабларининг бажарилиши тўлиқ таъминланмаганлиги учун ҳўжалик бошқаруви раиси И. Азизов интизомий жавобгарликка тортилган.

Б. НУРМУҲАМЕДОВ,
Сурхондарё вилоят прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси

"МЕҲРИНГИЗНИ ДАРИФ ТУТМАНГ"

«Ҳуқуқ», 1 ноябрь 2000 йил

Бекобод туман ҳокимлиги "Ҳуқуқ" газетасининг 2000 йил 1 ноябрь сонидида чоп этилган шу номли мақолани ўрганиб чиқиб, қуйдагиларни маълум қилди:

Мақолада тилга олинган Шаҳнозанинг онаси Шохиста Йўлдошева турмушга чиқиб, 3 нафар фарзанд кўрган. Тез-тез бўлиб турадиган оиладаги мижозларга ота-она, маҳалла, қариндош-уруғларнинг панд-насихатлари ҳам таъсир этмаган. Натижада отаси Мурод Йўлдошев пул топиш мақсадида Тошкентга кетган.

1993 йилдан бери маҳалла фўқаролар йиғини бу оилага моддий ёрдам бериб, болалар учун узлуксиз нафақа пули тўлаб келмоқда. Шохистанинг саломатлиги ёмонлашгани сабабли маҳалла фўқаролар йиғини унга моддий ёрдам бериш учун рўйхатга олган. Шаҳноза ўқийдиган мактаб маъмурияти томонидан унинг сингилларига кийим-кечак берилган.

Мактабда ўтказилган суҳбатдан шу нарса маълум бўлдики, ўқувчилар томонидан "Ҳаши бўлишса, отаси ташлаб кетармиди", деган гап айтилган.

Маҳалла фаоллари М.Йўлдошев билан суҳбатлашишганда, у оиласига қайтишини маълум қилган, лекин қайтмаган. Жамоат ташкилотларининг аралашуви билан М.Йўлдошев ўтган йилнинг сентябрь ойида оиласига 20 минг сўм пул бериб кетган.

Туман ҳокимлиги ва қўрғон ҳамда фўқаролар йиғинлари ушбу оилани доимий назоратга олиб моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш чораларини кўрадилар.

М.МҮМИНОВА,
туман ҳокимининг ўринбосари

МАДАДТЛАБ МАКТУБ

МЕН НИМА ҚИЛАЙ?

Ҳурматли тахририят!

Мен 1998 йилда Тошкент вилоятининг Денов шаҳрига — тоғамнинг хонадонига келиш бўлиб тушдим.

Мана уч йилдирки, паспортимни ҳисобга қўймай сарсонман. 1999 йилнинг май ойида Ички ишлар вазирлигига ёзма равишда мурожаат этдим. Улар менга хат орқа-ли жавоб қилишиб, ҳисобга қўйиш учун керакли йўриқномалар юборишди. Мен бунча ҳужжатларимни ҳамда тўлов тариқасида керакли суммани Денов туман Ички ишлар бўлимига топширдим.

Ҳар 10-15 кунда ҳўжжатларимнинг тақдири билан қизиқиб Ички ишлар бўлимига бораман. Улар эса "Ҳўжжатларингиз Термиз шаҳрида" дея жавоб беришади. Бу орада ҳўжжатларимни излаб 4 марта Термиз шаҳрига бориб келдим. Хуллас, у бўлди, бу бўлди ҳўжжатларим Денов туман Ички ишлар бўлимининг ўзидан топилди. Улар тегишли тартиб асосида паспортимни 6 ой муддатга вақтинча ҳисобга қўйишди.

Муддат тугагач, яна Ички ишлар бўлимига мурожаат қилдим. Бу сафар у ердагилар паспортимни Тошкентдан ҳисобдан чиқариб келишимни талаб қилишди. Ҳисобдан чиқариб келсам, бу паспорт бўлмади, Тошкентдан бориб "загран" паспорт олиб келасиз, дейишди.

Тошкентдан ушбу масалада бориб келдим. Улар бу паспортни олиш учун 200 доллар тўлашим кераклигини билдиришди. Ахир, мен бунча пулни қаердан оламан?

Яқинда она бўламан. Мен нима қилай? Қандай қилиб, гулдай рўзгоримни ташлаб, болам билан ота-онанинг уйига қайтиб бораман?

Сизлардан иттимос, менга одилонга ёрдам беринглар.

Маҳфуза ИСМОНАЛИЕВА,
Сурхондарё вилояти,
Денов шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси
34-уй, 47-хонадон

САҲИФАМИЗДА: ▶

ЯНГИЙЎЛ ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИ

БОЛАЛАР МАКТАБГА
ҚАЙТДИ...

Шаҳримизда Вазирлар Маҳкамасининг "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги қарори ижросини таъминлаш ниятида мутасадди идоралар фаолиятини мувофиқлаштиришга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилиб, комиссиянинг янги таркиби тасдиқланди. Комиссиянинг асосий вазифаси қилиб вояга етмаганларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан барқамол бўлишлариغا кўмаклашиш, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий савиясини кўтариш, ёшлар ўртасида содир этилаётган қонунбузилишларга қарши кураш ҳамда уларнинг турли экстремистик оқимларга қўшилиб қолишларининг олдини олиш каби вазифалар белгиланди.

Комиссия шу пайтга қадар бир қатор ишларни амалга оширишга эришди. Жумладан, шаҳар Халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда мактабга қатнамаётган эликка яқин болаларни аниқлаб, сабабларини ўрганиб чиқиб, уларни яна мактаб кучоғига қайтаришга эришилди. Комиссия аъзолари маҳаллаларда тарбияси оғир болаларнинг ота-оналари, қариндошлари билан учрашиб, юз бериши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олиш чораларини кўрган.

Кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини моддий, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида муайян тадбирлар олиб борилмоқда. Вояга етмаган ноги-

ронларга нафақалар тайинлаш ва уларни ўз вақтида етказиб беришга, шунингдек, уларнинг аҳолидан доимий бохабар бўлиб туришга алоҳида эътибор қаратилапти. Ўттизга яқин ногиронга бепул иссиқ овқат бериш ташкиллаштирилди.

Яқинда шаҳримиздаги "Кичкинтой" меҳрибонлик уйидаги шарт-шароит билан танишдик. Аниқланишича, озиқ-овқат маҳсулотлари меъёрий ҳужжатларда белгиланган миқдорда берилмаганлиги натижасида болаларнинг ривожланиши сустлашган. Энг ачинарлиси, мана шундай қонунбузарлик оқибатида болалар орасида рахит, гипотрофия ва анемия касалликларига чалинганлар бор.

Шаҳар прокуратураси бундай камчилик ва қонунбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирлари юзасидан шаҳар ҳокими номига тақдимнома киритди.

Вояга етмаганлар орасидаги жиноятларнинг олдини олиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

ОДИЛ МОЛДАБЕКОВ,
Янгийўл шаҳар прокурори,
адлия маслаҳатчиси



Янгийўл шаҳар прокурори О.Молдабеков прокурор ўринбосари Ш.Ақбаров, катта ёрдамчи У.Бекбоев, ёрдамчи В.Ли ва иш ўрганувчи А.Мадаминовлар билан янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилмоқда.

Прокурор катта ёрдамчиси У.Бекбоев ёшларга вояга етмаганлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳақида тушунча бермоқда.

ГИЁҲВАНДЛИК –
МУДҲИШ ИЛЛАТ

Шаҳар ҳудудида гиёҳвандлик ва унинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда дастур ишлаб чиқилган. Шу пайтга қадар шаҳар наркологик маркази томонидан юзга яқин шахс гиёҳванд сифатида рўйхатга олинган. Уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилаётганлиги буюрадаги курашни янада кучайтиришни талаб қилмоқда.

Гиёҳвандликка ружу қўйганларнинг аксарияти ўзига тўқ оилаларнинг фарзандлари ҳисобланади. Айрим ота-оналарнинг фарзандлари тарбиясига эътиборсизлик билан қараётганлиги шундай оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Гиёҳвандликка қарши курашиш мақсадида, шаҳар фаоллари билан ҳамкорликда мактабларда, маҳаллаларда тушунтириш ишлари, суҳбатлар ўтказилмоқда. Шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар бўлими, "Маҳалла" ва "Нуроний" жамғармалари биргаликда истиқболда қилинадиган тадбирлар ишлаб чиқди. Шаҳардаги барча мактаблар, лицей ва коллежлар, шунингдек, маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда "Наркотик моддаларга қарши кураш" мавзuida учрашувлар ўтказилмоқда. Уларнинг янада таъсирчан ўтишини таъминлаш мақсадида гиёҳванд моддаларнинг инсон ҳаётига зарари ва захри-қотилнинг муҳиш оқибатларини акс эттирувчи видеотасмалар намойиш қилинмоқда. Барча таълим-тарбия муассасаларида, корхона ва ташкилотларда гиёҳвандлик иллатлари ва уларнинг оқибатлари тасвирланган афишалар бурчаклари ташкил этилмоқда.

Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш ва унга барҳам беришга барча бирдек, ҳамжиҳатликда ёндошгандагина ижобий натижаларга эришиш мумкинлигини ҳар бир киши ҳис этиши лозим.

У.БЕКБОВ,
Янгийўл шаҳар прокурорининг
катта ёрдамчиси

СОҒЛОМ МУҲИТ – СОҒЛОМ АВЛОД ГАРОВИ

Мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш, асраб-авайлаш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, айниқса атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олишга катта эътибор қаратилмоқда. "Табиатни муҳофаза қилиш" ва "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги қонунлар ҳамда Президентимизнинг "Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги Фармонини қабул қилишдан кўзланган мақсад ҳам шунга қаратилгандир. Яқинда шаҳар прокуратураси мутасадди идоралар билан ҳамкорликда шу соҳага оид қонунлар ижроси юзасидан умумий назорат тартибиде



текшириш ўтказди. Текширишларда аниқланишича, шаҳар табиатни муҳофаза қилиш бўлими, санитария-эпидемиология назорати, ўзини-ўзи бошқариш органлари раҳбарлари ўз вазифаларига нисбатан лоқайд муносабатда бўлишган. Натижада аҳоли яшаш жойларида санитария ҳолати жуда ёнор аҳволга тушиб қолган. Кўп қаватли уйлар, озиқ-овқат дўконлари ва озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналар атрофида чиқиндилар уйилиб қолган. Бу ҳолат ўз-ўзидан юқумли касалликларга сабаб бўлган.

Ҳеч кимга сир эмас, сув ҳаёт манбаи ҳисобланади ва у ҳаммиса

эyezлаб келинган. Аммо атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш борасидаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилиши оқибатида, чиқиндилар шаҳар ҳудудидаги каналларга ташлана бошланган.

Энг ачинарлиси, чиқиндиларни мактаблар ва болалар боғчалари атрофида тўпланиб ётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Шаҳар санитария тозалаш бўлими ўз фаолиятини қонун талаблари даражасида йўлга қўйганида, ўз вазифасига нисбатан оқилона муносабатда бўлганида бундай салбий ҳолатларнинг олди олинган бўларди. Ахир ўз биноси атрофини ҳам чиқиндилардан тозалашни уddалай олмаган бўлимдан яна нимани куттиш мумкин?

Нима бўлганда ҳам, атроф-муҳит муҳофазасини амалда таъминлаш ҳаммамизнинг бирдек вазифамиз эканлигини унутмаслигимиз лозим. Фарзандлари соғлом бўлишини истаган ҳар бир ота-она атроф-муҳит ифлосланишига йўл қўймаглиги зарур.

Ш.АҚБАРОВ,
Янгийўл шаҳар прокурори ўринбосари,
2-даражали юрист

Саҳифани
Равшан МАҲМУДОВ
тайёрлади

ҚАРОР ВА ИЖРО

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг "Фойдаланилаётган электр энергияси учун ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинган эди. Унда Республика прокуратурасига тўловлар ва ҳисоб-китобларнинг белгиланган тартиби бузилишига йўл қўймаслик, айбдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик чораларини кўриш вазифаси юклатилган.

Ҳўш, прокуратура идоралари соҳада назоратни қандай амалга оширяптилар?

Ўтган йили прокуратура идоралари томонидан юқоридаги масала юзасидан ўтказилган текширишлар натижаларига кўра аниқланган қонунбузилишлар юзасидан 6 мингдан зиёд шахслар маъмурий, интизомий ва моддий жавобгарликка тортилди. 48 млн. сўмга яқин зарар ихтиёрий ундирилди, қўпол равишдаги қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 310 та жиноят иши кўзга тилди.

Таъкидлаш лозимки, қайд этилган қарор билан Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги ҳамда унинг таркибий бўлинмалари жисмоний ва юридик шахслардан фойдаланилган энергия учун қарзларни ундириш тўғрисида даъво аризалар билан судларга мурожаат қилишда давлат божи тўлашдан озод қилинган.

Муқаддас мазкур тизим қорхоналарининг молиявий-иқтисодий аҳоли бу масалада муайян қийинчиликларни келтириб чиқарди ва ҳамма қорхоналар ҳам давлат божи учун тегишли маблағни тўлаш имкониятига эга бўлавермас эди.

Республика прокуратураси

Жумладан, Самарқанд вилоят ҳўжалик суди томонидан қимё заводидан электр тармоқлари қорхонаси фойдасига 458 млн. сўмлик мuddати ўтган қарзларни ундириш бўйича вилоят прокуратураси киритган даъво аризаси қаноатлантирилган.

Тошкент шаҳар ҳўжалик суди томонидан эса пойтахт прокуратурасининг даъво аризаси бўйича Тошкент авиация ишлаб чиқариш бишламасидан фойдаланилган электр энергияси учун 580 млн. сўмлик қарзларни ундириш ҳақида қарор чиқарилган.

Бундан ташқари, мазкур масалада аниқланган қонунбузи-

воий, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳар прокуратуралари томонидан ҳам ҳўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбар шахсларига нисбатан тегишли прокурорлик таъсир чоралари қўлланилган.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза.

Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги тизимдаги айрим қорхоналар раҳбарлари томонидан фойдаланилган электр энергияси учун катта миқдорда қарздор бўлган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мавжуд қарзларини ундириш юзасидан амалдаги қонун та-

ўзаро ҳисоб-китоб ва тўлов интизомига доир Президент фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари ҳамда қонунчилик аҳоли таҳлилидан келиб чиқиб Қора-

ТўЛОВ ИНТИЗОМИ

қалпогистон республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар прокурорларига Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги тизими қорхоналарига ҳуқуқий-амалий ёрдам кўрсатишни топширган эди. Шунингдек, қуйи прокурорларга ҳам бу борада назоратни қучайтириш ҳақида тегишли кўрсатма берилди. Бироқ аҳвол тубдан яхшилانмади.

Шу кунга қадар прокуратура идоралари томонидан фойдаланилаётган электр энергияси учун мuddати ўтган 2 млрд. сўмга яқин дебиторлик қарзларни ундириш юзасидан судларга 455 та даъво аризалари киритилди.

лишлар юзасидан тегишли прокурорлик таъсир чоралари ҳам қўлланилган.

Хусусан, Андижон шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармаси раҳбарлари фойдаланилган электр энергияси учун шаҳар электр тармоқлари қорхонасига тўлашни лозим бўлган 50 млн. сўмлик қарз-ни бартараф қилиш чораларини кўрмаганлар. Фақат прокуратура аралашуви билангина ушбу маблағ электр тармоқлари қорхонасига тўлаб берилган. Айбдор мансабдор шахслар эса маъмурий жавобгарликка тортилган.

Бундай қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан Қашқадарё, На-

лабларига мувофиқ зарурий ва амалий чоралар етарлича кўрилмапти. Бунинг натижасида мuddати ўтган дебиторлик қарзларнинг миқдори ортиб бормоқда. Прокуратура идоралари томонидан ўтказилган текширишлар даврида ана шундай қонунбузилиш ҳолатларига ҳам алоҳида эътибор берилди ва айбдорларга нисбатан тегишли чоралар қўлланилди.

Мазкур соҳада Республика прокуратура идоралари томонидан прокурорлик назорати мунтазам олиб борилмоқда.

Ф.ШУКУРОВ,
Республика прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиғи ўринбосари

БОЖХОНАДА НИМА ГАП?

Чортоқ туманидаги Ҳазратишоҳ қишлоғида яшовчи Алимардон Муқаррамов туман деҳқон бозоридан 180 кг. гурuch сотиб олиб, отига юклаганча Ҳазратишоҳ-Карвон дала йўли орқали Қирғизистон томон йўл олди. Лекин унинг сафари 7-сонли "Янгиқўрғон" божхона постидан поёнига етди. Ҳуқуқбузарнинг юки давлат фойдасига мусодара қилиниб, ўзига 12250 сўм жарима солинди.

Қирғизистоннинг Олабуқа туманидаги Олабуқа қишлоғида яшовчи нафақадор Мамаатхон Мадалиев ўз омадини тижоратда синаб кўрмоқчи бўлди. У Наманган шаҳридаги "Жаҳон бозори"дан 13 турдаги автомобиль эҳтиёт қисмларини 64700 сўмга сотиб олиб, Е.Бозоров бошқарувидаги ДАМАС русумли автомашинага юклаб йўлга тушди. Қосонсой-2 масканига келганда божхоначилар унга божхона баённомасини тутқазиди. М.Мадалиев эса ушбу юкларни баённомада кўрсатмай, божхона назоратидан яширинча ўтказмоқчи бўлди. Лекин уч чучварани хом сананган эди. Божхоначиларнинг ҳушёрлиги туфайли унинг қинғир ишига шу ернинг ўзидаёқ чек қўйилди.

Наманган шаҳридаги Роустон даҳасида яшовчи Зухриддин Усмонов анойилардан эмас. У майда-чуйда қилиб ўтирмай, бир йўлда каттарок ишга қўл урди. Шаҳардаги Роустон кўмир базасидан 3750 кг. кўмир сотиб олган бу шаввоз таниши М.Юсуфжонов билан жиний тил бириктириб, ёқилгани унинг бошқарувидаги ММЗ-4502 русумли автомашинасига юклади, дала йўли орқали Қирғизистон томон ошди. Лекин 7-сонли "Янгиқўрғон" божхона маскани ходимлари ўз вақтида унинг бу ноқонуний ҳаракатига чек қўйди.

А.МАДАТОВ,
"Ҳуқуқ" мухбири

БЕПАРВО БЎЛМАНГ

ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА

Тухмат, сув ва ўт балосидан ўзинг сақла, деб Яратганга илтижо қиламиз. Билмай-мизки, Аллоҳ аввало ўзини асрагани, ҳар бир ишга ақл ва фаросат билан қўл урганларни соғ-саломат асрайди. Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар ўз шахсий манфаатлари йўлида нафақат ўзларининг, қолаверса, ўзгалар ҳаётига ҳам зомин бўладилар. Қонун-қоида ни менсимайдилар. Бора-бора ҳар хил қинғир йўллар билан топаётган бойликларни кўзларига парда тортиб қўяди. Энг ачинарлиси, уларнинг айби билан содир этилган фалокатлар туфайли айрим кишиларнинг бошига ғам-ташвишлар ёғилади. Болалар етим қолади. Ана шундай воқеалар бўлмаслиги учун ҳар йили мутасадди ташкилотлар ва идоралар томонидан кўплаб тадбирлар ўтказилади. Лекин бунга бепарво бўлмаслиги, аҳамият бермаймиз. Шу ўринда бир мисол келтирмоқчимиз.

Бу фожеа ўтган йили Марғилон шаҳрида содир бўлди. Суфи Оллоёв кўчасида яшовчи, Шўҳрат Раззоқов қурилиш моллари бозори ёнида ўзбошимчлик билан ошхона қуриб, у ерга вилоят ИИБ ЁСБ дан рухсатнома олмасдан газ плитасидан фойдаланиб келган. Шу кун нозос баллондан сизиб чиққан газ ошхона ичида тўпланиб, катта ёнғинга сабаб бўлди. Натижада фуқаролар Ш.Исмоилов, Ш.Муродов ва О.Собировлар ҳалок бўлишди. Яна беш киши эса турли даражадаги тан жароҳатлари билан шифонага ётқизилди. Тергов натижаларига кўра Ш.Раззоқов жиний жавобгарликка тортилди, суд ҳўкми билан 4 йил мuddатга озодликдан маҳрум этилди.

Бу воқеа ҳам Марғилонда содир бўлган. 2000 йил 5 апрель куни шаҳардаги А.Ясавий кўчаси 84-уйда ҳам баллондан газ чиқиши оқибатида кучли портлаш рўй беради. Сабаб — яна бепарволик, оддийгина қондага амал қилмаслик бўлди. Тергов тафсилотларидан маълум бўлишича, хонадон соҳиби Т.Позилов бир неча кун олдин нотаниш кишилардан фойдаланиш учун мутлақо яроқсиз газ баллонини сотиб олган. Хонадон эгаси эҳтиёт чорасини кўриб, ундан фойдаланишдан илгари ҳеч бўлмаса, бирон-бир мутахассисга кўрсатиш лозим эди. Эътиборсизлик фалокатга сабаб бўлди. Портлаш вақтида хонадонда бўлган Т.Позиловнинг турмуш ўртоғи, ўғли, келинлари ҳамда набиралари воқеа жойида ҳалок бўлдилар.

Қуйидаги ҳодиса ҳам ўзбошимчлик туфайли юз берди. Ўтган йилнинг 1 август куни Бухоро вилоятининг Гиждувон тумани, Ф.Ҳўжаев кўчаси, 75-хонадонда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб келган хонадон соҳибаси М.Раҳматовга ўратган қолбаса ишлаб чиқарувчи ускунанинг ичида катта миқдорда газ тўпланиши натижасида портлаш содир бўлди. Натижада, унинг қизлари Нилуфар, Моҳиғул Раҳматовалар ва Ниёз Сафаровлар тан жароҳатлари олиб касалхонага ётқизилди. Афсуски, Моҳира ва Мо-

ҳиғул Раҳматоваларнинг жароҳатлари оғирлиги туфайли уларнинг ҳаётларини сақлаб қолишнинг иложи бўлмади.

Аниқланишича, М.Раҳматова туман санитария-эпидемиология станцияси бошлиғига қолбаса ишлаб чиқариш учун рухсат сўраб мурожаат қилган. Шунга асосан СЭС ходимлари текшириш ўтказиб, унга фирма ни рўйхатдан ўтказиш, юридик мақомга эга бўлгандан сўнг махсус рухсатнома олишни тавсия қилишган. Бироқ М.Раҳматова СЭС ходимларининг талабларини бажармасдан, цехни ишлатган. Қонунчи менсимай қилинган бу ҳаракат икки беғуноҳ инсон умрининг бевақт хазон бўлишига олиб келди.

Ҳўйин-қулги яхши нарса. Лекин ҳар нарса-нинг меъёрида, ҳушёрлик билан ўтказилиши яна ҳам яхши. Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи Е.Карпов дўстлари билан янги йил кутуш учун йиғилдилар. Ҳўйин-қулги авжиде. Евгенийга уйнинг бироз совуқлиги ёқмади. У гандирақлаб бориб, газ билан ишлайдиган техник жиҳатдан нозос иситиш мосламасини ёқди. Етарли аҳамият бермай қилинган иш Евгений ва унинг дўстлари О.Хуторянец, М.Нигматова, Ю.Диченко, А.Иванова, В.Шутов, А.Камельянов, Э.Салимовларнинг газдан заҳарланиб, ҳаётдан бевақт кўз юмишларига олиб келди.

Тергов давомида Тошкент шаҳар ёнғинга қарши кураш кўнгилчилар жамиятида уйлари иситиш мосламаларини қондага мувофиқ ишлатиш бўйича масъул шахс В.Паук ўзига бириктирилган ҳудудга газ билан ишлайдиган мосламаларнинг ха-вф сизлигини текширмасдан сохта далолатномалар тузганлиги аниқланган. Жумладан, воқеа содир бўлган уй ҳам текширилмаган.

Ушбу соҳа прокуратура идораларининг доимий диққат эътиборида бўлиб, ёнғиндан сақлаш бўлимларида текширишлар ўтказиб келинаётди. Ушбу текширишлардан ЁСБларда бир қатор камчилик ва қонунбузилишларга йўл қўйилаётгани маълум бўлган. Шундай ҳолатларга йўл қўйилган ЁСБлар раҳбар ва жавобгар шахсларига нисбатан тегишли прокурорлик таъсир чоралари қўлланилган.

Хулоса ўрнида ёнғиннинг олдини олиш бўлимларида мутасадди вакилар ўз вазифаларини виждонан амалга оширганларида юқоридагидек кўнгилсиз воқеалар бўлмаслиги мумкин эди, деб ўйлаймиз.

О.ХАМРОЕВ,
Прокуратура идораларида терговни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи.
Н.ЛУТФУЛЛАЕВА,
"Ҳуқуқ" мухбири

СУД ОЧЕРКИ

(Охири. Боши ўтган сонда.)

Бу галги босқинчилик ушатирилиши лозим бўлган жойни Бахтиёрдан бўлак ҳеч ким билмас эди. Бахтиёр атайлаб йигитларга бу ҳақда оғиз очмади. Ҳар ҳолда эҳтиёт шарт. БМВ Чодаклик қишлоғига қираверишдаги муқошида тўхтади. Бахтиёр машинадан тушиб, юкxonани очди. Йигитлар ҳам тушиб, "босс"нинг ёнига туришди.

Бу галги босқинчилик ушатирилиши лозим бўлган жойни Бахтиёрдан бўлак ҳеч ким билмас эди. Бахтиёр атайлаб йигитларга бу ҳақда оғиз очмади. Ҳар ҳолда эҳтиёт шарт. БМВ Чодаклик қишлоғига қираверишдаги муқошида тўхтади. Бахтиёр машинадан тушиб, юкxonани очди. Йигитлар ҳам тушиб, "босс"нинг ёнига туришди.

Оқсонда бир неча кишини қуролланиши мумкин бўлган аслахалар: АКСУ автомати, пичок, кишан, 16 калибрли қирқма милтик, шунингдек ниқоб учун тайёрланган спорт калпокларидан тортиб, оддий скойчгача тайёрлаб қўйилган. "Босс" уларни йигитларга тарқатгач, яна машинага ўтиришди. Қишлоқ ичкарисига киришиб, икки қават қилиб қурилган уй ёнида тўхташди.

"Босс"нинг ишораси билан Аҳмад уйнинг иккинчи қаватидаги айвонга чиқиб, телефон симини узди. Сўнг гуруҳ бирин-кетин девор ошиб ҳовлига тушди...

Хонадон эгаси Д.Эшматов турмуш ўртоғи билан ётган хонанинг эшиги очилиб, бир зумда эр-хотин кишанланиб, банди ҳолига келтирилди. Бу орада икки йигит бошқа хонада бўлган Эшматовнинг ўғли ҳамда келинини ҳам олиб келишди.

Бахтиёр қўлидаги тўппончани Эшматовнинг пешонасига тиради.

— Қаршилиқ қилишни хаёлинга ҳам келтира кўрма. Акс ҳолда мана бунинг ичидаги миттигина ўқ пешонангни нариги томондан тешиб чиқади. Бизга 10 минг "қўки" билан тиллалар керак.

Эшматов оғзи скойч билан беркитилганлиги боис, нималарди деб гўлдиради. "Босс" йигитларнинг бирига ишора қилганда, у скойчни қўлиб олди.

— Кимсизлар ўзи? Менда бунча пул йўқ.

— Кимлигимиз билан қизиқмай қўяқол. Сен яхшиси пулнинг жойини айт.

— Ахир менда бунча пул нима қилсин? Раҳм қилинглр.

Бахтиёр Валига қараган эди, у худди буйруқни тушунгандек, тоқчада турган дазмолни электрга улади. Дазмол қизигач, "босс"нинг қўлига тутқазди. Бахтиёр Эшматовнинг хотинига яқинлашди.

— Менга қара, ўв, эркамисан? Ҳозир мана бу дазмолни оймчаннинг потирида турган жойига босаман. Шунда ҳам сайрамай кўр-чи...

Бахтиёр дазмолни аёлнинг кўксига яқинлаштирди. Дазмол тафти димоғига урилган аёл кўзлари чиққудек бўлиб, жон ҳолатда инграрди.

— Маразлар, ифлослар... Уйинг қуйсин ҳаммангнинг.

Эшматовнинг бу ҳайқирғи Бахтиёрни сергак тортирди. Дазмолни Валига узатиб, унинг ёнига келди.

— Нима дединг, овоз чиқаргандек бўлдингми? Эркак экансан-у сенам...

Бахтиёр қўйнидан пичок чиқариб Эшматовнинг бўзига олиб борди. Пичокнинг ўткири тиги теккан жойдан қон сизиб чиқди. Эшматов бўйнидан иссиқ бир нарса оқаётганини сезди. Димоғига қон исси урғач, кўнгли беҳузур бўлиб, ҳушидан кетди. "Босс"нинг ишораси билан икки йигит уни кўтариб ваннахонага олиб ўтишди. Устидан совуқ сув қуйишиб ўзига келтиргач, ваннани сувга тўлдирди.

— Ҳалиям айтмайсанми? — сўради йигитлардан бири.

Эшматовнинг бир нима деб жавоб беришга тили айланмади. Унинг бутун хаёли айни дамда нариги хонада бўлган рафиқаси, ўғли ва келинида эди. Ундан садо чиқмагач, босқинчилардан бири сочидан чангаллаб, бошини сувга босди. Бир неча дақиқадан сўнг кўтариб, боғги саволни қайтарди. Эшматов димикиб қолганда. Бутун кучини тўллаб нафас олишга интиларди. Халиги йигит жаҳли чиқиб, яна бошини сувга босди. Бу сафар кўпроқ ушлаб турган эди жони халқумига келган бечора уй соҳибни бутун гавдаси билан ерга шалоплаб йиқилди. У энди ҳеч нарсани сезмас, фақат хансираган ҳолда нафас оларди.

Бу пайтда нариги хонада Бахтиёр ўз шотири билан ишга киришганда. Улар хонадон эгаларининг барча тақинчоқларини зўрлик билан тортиб олишди. Сўнг уйнинг бошқа хоналаридан тинтув ўтказишди. Қишқаси, Эшматовлар хонадонидан 1 миллион 768 минг сўмлик буюмлар, тилла тақинчоқлар эгалланди. Улар орасида оғз милтиги ҳам бор эди.

Бахтиёр ваннахонадаги йигитлардан хабар олишга кирганида улар Эшматовни яна сувга чўктиришга тайёрлашаётган эдилар.

— Бас қилинглр. Кетиш керак, — Бахти-

ёрнинг буйруғидан сўнг қўйиб юборилган Эшматов юз тубан ваннага кулади.

Бахтиёр кетаётиб, ҳовлида кўрган "Нексия" машинаси ёдига тушиб, ортига қайтди. Ваннадан ярмигача сувга ботиб ётган Эшматовни кўтариб, деворга сувб ўтқазди.

— Кечирасан, биродар. Ҳовлидаги "тойчоқ"нинг қалити керак бўлиб қолди.

Бутун вужуди титраб, базур нафас олаётган уй соҳибни ҳушсиз ёнбошга йиқилди. Бахтиёр ундан ҳали бери садо чиқмаслигини англаб, қўшни хонага ўтди. Ҳарқалай, Эшматовнинг ўғли қалитнинг жойини айтди.

Гуруҳ барча ўғирланган нарсаларни "Нексия"га жойлаб хонадонни тарқ этди.

Қишлоқдан чиқиб, Қўқонга йўл олишди. "Босс" Валининг уйида тўхтаб ўтишни айтганда, йигитлар бир-бирларига маъноли қараб олдилар.

Бунинг сабаби бор эди, албатта. Чунки одат бўйича ҳар галги "ов"дан сўнг Валининг уйида йигилишиб, ўлжалар тақсимланарди. Бу гал ҳам ана шу одатга амак қилинди.



«ОВ»ЛАРНИНГ ХОТИМАСИ

"Босс" шотириларига бугун яхши ишлаганликларини алоҳида таъкидлаб ўтишни унутмади. Ўлжа қўлидагича тақсимланди: Фарход (Азизов)га 10 минг сўм пул, битта тилла узук, икки жуфт сирга, Вали (Усмонов) ҳам шунча улуш олди. Фақат Аҳмад (Саримсоқов)га бу гал 20 минг сўм, бир дона никоҳ узуги насиб қилди. Бахтиёр қолган ўлжаларнинг ҳаммасини ўзига оларкан, Аҳмаднинг жаҳли чиққанини англаб, мийғида кулди:

— Хафа бўлма. Бу сенга "штраф". Бечорани сал бўлса ўлдирай дединг. Бизга мурдалар керак эмас. Акс ҳолда "хит"лар қотилиш топмагунча қўймайди. Кейинги сафар "гонорар"ингни оширамиз.

Гуруҳнинг қолган аъзолари ҳам тақсимотдан норози бўлишса-да, оғиз очшмади. Негаки, биринчидан, Бахтиёр тўда бошлиғи, иккинчидан, Россиядан келтирилган қурол-ярроғлар ҳам унинг ҳисобидан бўлганди. Яна Бахтиёрнинг айтишича, тўданинг ортиқча жамғармаси доим захирада бўлиши зарур. Ҳар ҳолда бирортаси "ис" олгудек бўлса оғзини беркитишга асқотади.

Тонг ёришиб келарди. Бахтиёр Валига "Нексия"ни шаҳарнинг чеккароқ бир ерига ташлаб келишни буюрди.

Гуруҳ тарқалди. Вали эса "Нексия"га ўтириб жўнаб кетди...

Эртаси кун икки ишлар ходимлари Қўқон—Яйпан йўналишидаги йўл постига жакин чуқурликдан "Нексия"ни топишди. Машинанинг юкxonаси кўздан кечирилганда унда оғз милтиги ҳамда никоҳ борлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олинди.

1998 йил 22 ноябрь. А. Бахриевнинг хонадони.

Хонадон соҳибни телевизор томоша қилаётиб, деразадан қандайдир шарпалар ўтганини пайкаб қолди. Бироз кутиб турган, ким бўлдикин дея ўрнидан туриб, орқасига қарашга улгурмади. Юзига никоҳ тақиб олган уч киши уни бир зумда ерга ағдаришиб, қўл оёғини боғлашди. Ниқобдагилардан икки нафари унинг тўғри келган жойига тепа бошлади. Учтинчиси эса биқинига пичок тираб, пул талаб қиларди.

Шу пайт тўсатдан хонага Бахриевнинг қариндоши Г. Толипова кириб келди. Булаётган воқеадан ҳайратга тушган қиз бақиршига улгурмади. Ниқобдагилардан бирининг бақувват қўллари уни оғзини маҳкам беркитди. Сўнг уни ҳам боғлаб, қароватга ётқизишди.

Хоналардан бирида А.Бахриевнинг отаси дам олиб ётарди. Босқинчилар уни ҳам кишанлаб олиб келишди. Улардан пул, тилла буюмлар талаб қилишаётган пайтда уйга та-

қўлидаги қирқма милтик билан қизлардан бирига ақинлашди. Ваҳимага тушган қиз кўзини юмган эди, дув этиб ёш оқиб кетди. Қизнинг опаси синглисига раҳми келиб, типирчилар, нималарди деб инграрди.

Бахтиёр ва унинг шериклари Розиков хотини билан ётган хонага бостириб кирди. Фарход ширин уйкуда ётган Розиковнинг пешонасига тўппонча тиради.

— Овозингни чикрма, — Розиков кўзини очиб ашитган биринчи буйруқ шу бўлди. Бир зумда эр-хотиннинг қўл-оёқлари боғланди. Бахтиёр пул, тилла ҳақидаги талабларига рад жавобини эшитгач, йигитларга унинг эсини киритиб қўйишга изн берди.

Улардан бири хонадаги чанг ютигчининг симини суғуриб олиб, электрга улади. Симнинг очик қолган учини Розиковнинг баданига бир неча бор теккизиб олди.

Бахтиёр Розиковнинг кулоғи тагига келиб: — Ужарлик қилишни йиғштир. Нариги хонада икки қизнинг билан йигитларимдан бирини қолдирганман. У менинг буйругимни кутаяпти. Агар талабимизни бажармасанг қизларингдан бири бир умрга бадон бўлиб қолади.

— Йўқ, ундай қилманглр. Олинг, нима бўлса олинг... Фақат уларга тегманг...

Розиков бутун вужуди билан йиғлаб, Бахтиёрнинг таҳдидли сўзларини эшитган онаизор эса аллақачон ҳушидан кетиб бўлганди...

Гуруҳ шу куни 1 миллион 794 минг сўмлик нарсаларни олиб чиқиб кетди. Улар орасида бир жуфт 300 минг сўмлик билакузук, 150 минг сўмлик қўйма тилла билакузук, 180 минг сўмлик тилла занжир, 3 дона видеомагнитофон, бир дона 150 минг сўмлик уяли алоқа телефони, 250 минг сўмлик эркаклар тилла соати бор эди.

Бахтиёр Ҳасанов бошлиқ уюшган жиноий гуруҳ икки йил (1998-1999) мобайнида босқинчилик билан шугулланган. Тўдани фош этиш учун қилинган ишлар самара бермасди. Жиноятчилар ҳамма ишни пухта қиларди. Айниқса никоҳ билан ҳаракат

қилишлари уларнинг шахсини аниқлашга имкон бермасди.

Шундай кунларнинг бирида Қўқон шаҳар ИИБ ходимлари томонидан паспорт режими бўйича ўтказилаётган текширишлар пайтида фуқаро Холисхон Йўлдошеванинг уйдан қора рангдаги дипломатга солинган ўқотар қуроллар, бир неча дона жанговар ўқлар топилади.

Суриштирув натижасида Х.Йўлдошова ушбу дипломат синглиси Дилфузанинг турмуш ўртоғи Б.Ҳасановга тегишли эканлигини тан олади. Х.Йўлдошова ҳибсга олинади.

Бундан ташқари тўданинг бир неча аъзолари гиеҳванд моддалар билан қўлга олинди. Шерикларининг қўлга тушганидан саросимига тушган Бахтиёр қочқичга ҳаракат қилди. 2000 йил 20 январь куни хотинига тегишли бўлган "Тико"да кетаётган пайтда икки ишлар ходимлари томонидан таъкидга олинди. Шаҳарнинг гавжум кўчаларидан бирида ўқдай елиб бораётган машина, қутилмаганда бошқарувни йўқотиб, қаршисидидаги машинага бориб урилади.

Шундай қилиб, тўда фалолиятига нуқта қўйилди. Бахтиёр судда кўрсатма берар экан, барча айбни бўйинга олди. Бироқ "қилган ишларимдан пўшаймон эмасман", дейиши суд заллида тўлпанганларни ҳайратга солди. Нима бўлганда ҳам суд ўз ҳукмини ўқиди. Унга кўра тўда бошлиғи Б.Ҳасанов 20 йилга, М.Сотволдиев, В.Усмонов, А.Саримсоқов ҳамда Ф.Азизовлар 17 йилдан, М.Мирзабобоев эса 16 йилга озодликдан маҳрум этилдилар.

Ушбу иш бўйича шикоятлар Олий судда кўриб чиқилиб, ҳужм ўз кучида қолдирилди.

Юсуф МУСАЕВ,
Республика прокуратураси судларда
жиноят ишлари кўрилишида прокурор
ваколатини таъминлаш бошқармаси
прокурори,
Жаҳонгир ШАРОФБОВ,
"Хуқуқ" муҳбири

P.S. Мақоладаги айрим исм ва фамилиялар ўзгартириб берилди.

ХАЛҚАРО ХАЁТ

ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР ШАРҲЛАР

ВИЗА КЕПТИРГАН ЗАРАР

Грузиянинг "Эйр Зена-Грузинские авиалинии" авиакомпанияси 26 февралдан бошлаб Тбилиси-Москва йўналиши бўйича барча рейсларни бекор қилди. Ташкилот раҳбарларининг таъкидлашларича, уларнинг бундай иш тўтишларига икки давлат ўртасида виза тизимининг жорий этилиши ва бунинг оқибатида йўловчилар сонининг кескин камайиб кетиши сабаб бўлган. Биргина ана шу сабаб туфайли компания қисқа вақт ичида 800 минг долларга яқин зарар кўрган.

ШИМОЛИЙ ИРЛАНДИЯДА ТЕНГЛИК

Яқин-яқингача Шимолий Ирландия полициячиларининг аксариятини протестантлар ташкил қиларди. Яқинда мамлакат полицияси бошлиғи Ронни Фленаган католикларни ҳам полицияга хизматга киришга чақирди. Бу чақирқиқ мамлакатдаги мувофиқлаштириш кампаниясининг давоми ҳисобланади ва "Royal Ulster Constabulary" ўрнига мутлоқо янги полиция тизимини шакллантиришни назарда тутайди. Р. Фленаганнинг айтишича, янги "Шимолий Ирландия полиция хизмати" - да католик ва протестантларнинг сони тенг бўлиши керак.

ҲУКУМАТ КОММУНИСТЛАР КЎЛИДА

Молдовада ўтказилган парламент сайловлари мамлакат коммунистлар партиясининг яққол галабаси билан якунланди. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра улар 50 фоизга яқин овоз тўплаб, бошқа рақибларидан анча ўзиб кетганлар. Бу эса президент парламент томонидан сайланган Молдовада бутун ҳукумат компартия кўлига ўтганлигидан далолат беради.

ПЕНТАГОННИНГ «АДАШГАН» БОМБАЛАРИ

Пентагоннинг Европа қўмондонлиги маълумотларига кўра, Америка авиацияси Ироқ шимолидаги ҳавога қарши мудофаа (ХҚМ) объектларига зарба берган. Президент Жорж Буш томонидан ўтказилган матбуот-конференциясида АҚШ раҳбари Пентагоннинг мазкур ҳаракатини изоҳлай туриб, Ироқнинг ХҚМ иншоотлари хитойлик мутахассислар иштирокида қурилганлигини баён қилган. Пекин эса ўзига қаратилган мазкур айбловларни кескин рад этган ҳолда, бу ҳақда Оқ уйга норозилик нотиси юборган. Би-би-сининг Вашингтондаги муҳбири бу во-



қеаларга ўз муносабатини куйидагича билдирган: "Ўтган ҳафта Ироққа қарши уюштирилган ҳарбий операцияга синчковлик билан тайёргарлик кўрилган эди. Ушанда коалициянинг 24 та қирувчи самолёти режани амалга оширишда иштирок этган. Бироқ Британия ҳарбийлари мазкур ҳаракатларда эътибор қилинган рад этмоқдалар. Пентагоннинг эътирофи эътишча, операция унчалик муваффақиятли якунланмаган. Сабаби, лазер кузатувли бомбаларнинг аксарияти мўлжалдаги нишонлардан "адашиб" кетган".

500 МИНГ ДОЛЛАРЛИК ТУХУМ

Шу ойнинг бошларида Россия - Мўғулистон чегарасида рус чегарачилари томонидан нималигини аниқлашнинг имкони бўлмаган 15 та антика буюмлар тўхтаб қолинганди. Экспертиза хулосасига кўра, чегарачилар аниқлаб беришни сўраган нарсалар Марказий Осиё ҳудудларидан топилган динозавр тухумлари экан. Мутахассисларнинг фикрича, ёши тахминан 150 млн. йилга тенг бўлган бу тухумларнинг нархи қора бозорда 500 мингдан 1 млн. АҚШ долларигача баҳоланиши мумкин экан.

ПОРАХЎРЛАР ҚАТЛ ЭТИЛДИ

Хитойда ўтган йилнинг ноябрь ойида контрабанда ва порохўрликда айбланган 11 киши ўлим жазосига ҳукм қилинган эди. "Синьхуа" агентлигининг хабарига кўра, суд ҳукмдан норози бўлиб ёзилган шикоятларни рад этган, 7 нафар маҳкум яқинда қатл этилди.

Қатл этилганлардан бири Хитой шарқидаги Фуцзянь вилоятининг Сямэнь шаҳри банк бошқарувчиси Е.Цзянь бўлиб, у 2,9 млн. юан (350 000 \$) пора олганликда ва номмаълум манбалардан олган 4,9 млн. юан маблағни ўзлаштирилганликда айбдор деб топилган эди. Марҳумлардан яна бири, шаҳар божхонасининг катта зобити У.Юйбо эса 8,7 млн. юан микдорда пора олганлиги учун жазоланди.

Судланувчилардан қолган тўрттасининг шикоятини апелляция суди кўриб чиқмоқда. Жумладан, Сямэнь шаҳри ҳокими муовини, шаҳар божхонаси бошлиғи ҳамда жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи ўринбосарининг ҳали яшашдан умиди бор...



НАРКОКУРЪЕРЛАР ҲАҚИДА

Эрон полицияси томонидан тарқатилган хабарларга кўра, мамлакатнинг чегара ҳудудларидан бирида чегарачилар мамлакатга олиб киришга уринилган 4 тонна гиёҳванд моддаларни тўхтаб қолишга муваффақ бўлганлар. Наркокуръерлар билан бўлган тўқнашув вақтида улардан уч нафари отиб ўлдирилган, қолганлари эса яширинишга улгурганлар.

СОМАЛИ СУДИНИНГ ҚАРОРИ

Сомалида яшовчи икки нафар аёл фоҳишабозлик билан шугулланганликлари ва таносил касаллигини тарқатганиги учун суд ҳукмига кўра ўлим жазосига маҳкум этилдилар. Аниқланишича, уларнинг асосий «фаолиятлари» АҚШда кечган.

ИСРОИЛ БЮРТМАСИГА КЎРА

"Boeing" корпорацияси мутахассислари Исроил ҳарбийларининг бюртмасига биноан АН-64 D "Апач" русумли жанговар вертолётларни тайёрлашга киришганлар. Исроил томони 9 та "Апач" ва унга эҳтиёт қисмлар харид қилиш учун америкаликларга 500 млн. доллар тўлашга рози бўлган.

АҚШ АЙБЛОВНИ РАД ЭТДИ

Пайшанба куни маълум бўлишича, АҚШ томонидан наркоманияга қарши кураш олиб бораётган Колумбия ҳукуматига ёрдам учун жўнатилган ҳарбий учувчилар исёнчилар билан бўлган яқшанба кунги жангда иштирок этганлар. Мамлакат жанубидаги Какета вилоятида Америка вертолётти марксчи партизанлар томонидан уриб туширилгани туфайли тўқнашув келиб чиққан. Халокатга учраган экипаж бошқа ҳарбий вертолётлар ёрдамида қутқарилган. Маълумотларга кўра, ҳарбий ҳаракатларда Америка фуқаролари қатнашётганидан хабар топган исёнчилар АҚШ ҳукумати-ни Колумбиянинг ички ишга аралашётганликда айблаган. Бу биргина ҳолат эмас. Ҳукуматга мухолиф Колумбия инқилобий қуролли кучлари вакиллари 1999 йилдан бери шу ҳақда гапириб келишади. Ушанда АҚШ жосус-самолёти Колумбия жанубидаги тоғ қояларига урилиб портлаб кетган эди. Юқоридagi айблов хусусида Қўшма Штатларнинг фикри бош-

қача. АҚШ маъмуриятининг баёнотида кўра, ушбу мамлакатда иш олиб бораётган 500 нафар америкалик ҳарбий малакали кадрлар тайёрлашда қатнашмоқда, ҳолос. Яъни улар ҳукумат ва Колумбия инқилобий қуролли кучлари ўртасидаги можорога аралашётгани йўқ.



Саҳифани Internet хабарлари асосида С.ФОЗИЕВ тайёрлаган

ЖИВИЛО ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

"Газета RU" томонидан тарқатилган маълумотларга кўра, Парижда Франция ИИВнинг халқаро терроризмга қарши кураш бўлими ходимлари Кемерово губернатори О.Тулеевга суиқасд уюштиришда гумон қилинаётган россиялик тадбиркор Михаил Живилони қамоққа олишган.

Михаил Живило Москвада фаолият кўрсатган МИКОМ инвестиция компаниясига асос солган. Мазкур компания Новокузнецк алюминий заводи ва Кузнецк металлургия комбинатларини назорат қилиб, рельс ишлаб чиқариш соҳасида мамлакатда монопол мақомига эришган. О.Тулеев губернатор этиб сайлангач, губернияда қонунчиликни мустаҳкамлаш, коррупцияга қарши курашни кучайтиради. Натижада кўплаб "тадбиркорлар" сингари давлатга 900 млн. АҚШ доллари миқдоридан зарар етказган М.Живило ҳам губернаторнинг "зарба"ларидан чекинишга мажбур бўлади ва шу вақтдан бошлаб унда О.Тулеевга нисбатан адоват туғилган эди.



ИРОҚ ТАШРИФГА ҚАРШИ

Уммонда бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ироқ ташқи ишлар вазири Мухаммад Саид ал-Саҳаф БМТ ҳарбий инспекторларининг Ироққа ташриф буюришларини кескин рад этди. — Мамлакатимиз ҳеч қандай ялпи қирғин қуролига эга эмас ва мен буни Бош котиб Кофи Аннанга исботлаб беришга тайёрман. — деди пировардида вазир жа-ноблари.

ЭНДИ НАВБАТ ОДАМЛАРГА

Англиянинг Glaxo SmithKline Plc компанияси СПИД вирусига қарши тайёрланган янги вакцинанинг жорий йилда синаб кўрилишини маълум қилган.

Компания томонидан кашф этилган СПИДга қарши дори-дармонлар шу пайтгача мазкур хасталик юқтирилган маймунарда тажрибадан ўтказилган ва ҳозиргача қутилган натижани бермаган эди. Энди эса синов ишлари-га касалликка чалинган беморлар жалб этилади. Шу нарсани айтиб ўтиш кераки, ҳозиргача СПИДга қарши 25 хил вакцина яратилган ва улар орасида энг самарадорлари деб Glaxo SmithKline Plc маҳсулотлари эътироф этилмоқда.

ЮЛДУЗЛАР ҲАЁТИ

«СЕН ҲАҚИНГДА КУЙЛАГУМ, ВАТАН!»

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Софья САФТАРОВА билан суҳбат.



— Софьяхон, мухлисларингизга ҳар йили янги кўшиқлар альбомини ҳадя этиб келасиз. Уларнинг деярли барчаси Она-Ватанини мадҳ этувчи дилбар кўшиқ билан бошланади. Сиз учун Ватан мавзусида куйлаш шунчаки одатий ҳолими ёки...

— Йўқ, одатий ҳол десам, хато бўлади. Биласизми, ҳар бир эзгу ниятли киши қалбида ўз халқининг ҳажжи қиёфаси яшайди, дейишарди. Аслида ҳам шундай. Биз учун ота-оналар, фарзандларимиз, яқинларимиз меҳри қадри, албатта. Бирок, муҳаббат бобидаги барча тасаввурларимиз биргина "Ватан" сўзида жамулжамга ўхшайди. Ватанпарварлик жуда катта ҳис-туйғу эканлигига иймоним комил. Уни кўр-кўрона эҳтирос билан алмаштириш, ёлғиз Ватанга меҳр кўйиш деб тушуниш камлик қилади.

Ватанга чин муҳаббатни тўлға эмас, қалб ардоғида асрашга ўрганишни буюк бахт деб биламан. — **Ҳозирги кунда кўшиқчилар равақи йўлида қандай муаммолар мавжуд деб ўйлайсиз?**

— Бугун саҳнада янги-янги номларнинг кўпаяи бориши яхши, албатта. Аммо кўрсаткичлар билан чинакам равақ белгиланса, мантиққа хос бўлмайди.

Ҳар бир инсон меҳнатининг ро-

ҳатини кўришни истайди. Демакки, тезроқ элга манзур кўшиқлар ихро этиш орзуси ҳар бир хонанда дилида яшаб келади. Бинобарин орзулар рўёби тинимсиз изланиш ва машаққатли меҳнатга боғлиқ. Аммо баъзи хонандаларнинг осон ва энгил йўлдан кетишаётганлиги мени ажаблантиради. Бу борада таниқли хонанда Жўрахон Раҳимов яқинда телевидениеда қилган суҳбатиде яхши мисоллар келтириб гапирди. Ижодкор айтганидек, шеърятдами ёки кўшиқчиликдами, барибир, дастурхонга бир тўда "мажағи чиққан" олмани келтириб тўккандан кўра, тўрт дона бўлса-да, тарсиллаб пишган, ширадор олмани тўхта этиш яхши эмасми? Демак...

Биздан олдингилар ҳам бир хунарни пухта ўзлаштириб олиш учун ишончли устоз қўлидан тутишга ҳаракат қилишган. Чинакам баҳони модомики ўзи берар экан, халқ билми айтади: "Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалар..."

Бировга баҳо бериш даражасида сезмайман ўзимни. Фикрим бегараз бўлгани учун мени тушунар деб умид қиламан. Яшигинга овоз соҳибаси бўлган Манзура (фамилияси ёдимда қолмаган) синглизим ранг-баранг клип асосида "Мен Манзура" кўшигини бир неча бор айтиб чиқди. "Ташаббус" қанот ёзганча, Бону синглизимнинг "Мен Бону" кўшиғи тақдим қилинди. Наҳотки, элга танилишининг энг мақбул йўли шунанча бўлса?..

— Французларда "даҳолар қишлоқда туғилиб, Парижда ўлади" деган нақш бор. Сиз ҳам машҳур санъаткор сифатида пойтахтда яшаб, ижод қилишни истайсизми?

— Ватан ичра танҳо Ватаним — Самарқанд. Шаҳар марказидаги уйимизни сотиб, униб-ўсган масканимиз "Саид маҳалла" гузарига кўчиб келдик. Меҳрибон оянонимни ҳар кун тавоф қилмасам, хуморим ёзилмайди. Бир неча бор



Софья опера театрида. Самарқанд, 1976 йил, март.

пойтахтдаги нуфузли ташкилотлар ўз жамоаларига ишга таклиф этишди. Лекин томир ёйган юртдан олислаб кетишни хохламадим.

— Софьяхон, табиийки, муштарийларимиз сизнинг оила-аъзоларингиз, қизиқларингиз билан

яқинроқ танишини исташади...

— Қуриб турганингиздек, оиламиз кичкинагина. Турмуш ўртоғим Муҳаммадамин Ортиқов билан қизиқларимиз бир хил. Бизни тақдир туман саҳналарида учраштирган. Қизимиз Севарахон 6, ўғилчамиз Камолиддин 4 ёшни қарши олишяпти.

Оилада янги репертуар устидаси дастлабки машқларимиз дастурхон атрофида бошланади. Кейин эса фортепьяно қаршисига кўчади. Таклиф ҳам, баҳс ҳам ўртада. Болаларимнинг ҳаракатида ўз ёшлигимни кўргандек бўламан. Ҳалитдан ёзиш, чизиш, ҳисоблашнинг машқ қилишади. Севара хонанда У.Мирҳамидова ва ўзим айтган барча кўшиқларни ёддан билади. Камолиддин эса А. Каримовга таклид қилади. Бирор улғайишгач, санъатда ўз йўналишларини топиб олишлари учун кўмакка ўтишни ўйлаб қўйганмиз. Ёшлиқдан шаклланганга не етсин?

— "Оналар ва болалар йили"да азиз мухлисларингизга тилакларингиз.

— Биласизми, у ким бўлишидан қатъий назар, оналар учун ўз дилбандларини онашга олиб, беуй-бежавотир янги-янги тонглорни қарши олишдан ортиқроқ бахт бўлмас керак, деб ўйлайман. Ана шундай олий бахт — осоёишталик жонажон юртимизни ҳеч қачон тарк этмасин.

Камтарона ижодимнинг мухлиси бўлган эл-юртимдан бутун умр қарздорман. Уларнинг ҳақиға ҳар нарсани кўргувчи, билгувчи Тангридан сўраганларим кўп.

Суҳбатдош: Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Хуқуқ» муҳбири

Қутловлар

Хурматли ҳамкасбимиз Шавкатбек!

Сизни 2 март — туғилган кунингиз билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Ҳаётдан неки орзу-умидларингиз бўлса барчасининг ушалишига тилакдошимиз.

Ёшлик шижоати Сизни ҳеч қачон тарк этмасин. Уқиш ва ишларингизда муваффақиятлар тилаб ҳамкасбларингиз, Тошкент шахри

Хурматли ҳамкасбимиз Орифжон!

Сизни 3 март — туғилган кунингиз билан самимий қутлаймиз. Сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, ишларингизда омадлар тилаймиз.

Ҳамкасбларингиз, Тошкент шахри

ТУРФА ОЛАМ

АВСТРАЛИЯНИНГ Квинсленд штатидан жўнатилган мактуб унда кўрсатилган манзилга — Шотландиянинг Абердин шаҳрига орадан 112 йил ўтгач етиб келган. Маълум бўлишича, Колин исмли шахс номидан абердинлик Уардроп хоним номига бу хат 1889 йилда йўлланган экан. Ҳозирда хатжилда кўрсатилган уй ўрнида эса стоматология полиликнакиси ва бир қанча офислар фаолият кўрсатмоқда.



МАЛАЙЗИЯЛИК фукаролардан бири автомобиль тезлигини оширганлиги учун Ҳибсога олинганда, у хайратини яшириб ўтирмади.

Негаки, йўл назоратчисининг айтишича, у соатига нақд 1120 километр тезлик билан ҳаракатланган. Ҳайдовчига тегишли «Proton Iswaga» русумли автомобилда бундай тезликка эришишнинг сираям иложи йўқ. Шукрки, полиция жарима варақасидаги ёзув техник носозлик туйғайли хато кетганлигини тан олди.

Ҳайдовчи, 51 ёшли Абдурахмон Исmoil эса «мен тезликини бироз оширдим ҳам дейлик, лекин ўшанда ҳам самолётдан тез юрولмасам керак», дейди ажабланиб.

КАҲ-ҚАҲА

— Эртага яқшанба, — деди ёш, келишган раҳбар ўз котибасига. — Бирор жиддий режангиз йўқми? — Йўқ, жаноб... — деди котиба ҳаяжонланиб. — Ундай бўлса, душанба кун ишга кечикмай, ўз вақтида келасиз деб умид қиламан.

Фаррош ўғрини тутиб олди. — Мен сенга ўғирлик қилиш қанчака бўлишини кўрсатиб қўяман! — Шунанга қилинг, холажон. Бўлмаса бу учинчи марта қўлга тушишим.

Икки ўғри учрашиб қолибди. — Икки юз сўм қарз бериб тур. — Бор-йўғи 100 сўмим бор. — Майли, беравер. 100 сўм қарз бўлдинг.

Болақай телефон гўшагини ёнидаги кишига узатиб деди: — Марҳамат, Менимча, сизни сўрашяпти. — Нега бундай деяпсан? — Гўшагини олганимда кимдир "Бу сенми, қари така?" деди.

Икки улфат отамлашиб ўтиришибди. Бири сўраяпти: — Уйга борган хотининга нима дейсан? — А, у билан суҳбатимиз жуда қисқа бўлади. Мен унга фақат "Қалайсан?" дейман, қолганини у давом эттиради.

Бўйига:

1. Республикаимиздаги туман.
2. Қураш бўйича биринчилик ўтказилган хориж шаҳри.
3. А.Қодирий асари қаҳармони.
4. Ота томонидан яқин қариндош.
5. Қайс Лайлининг сарсон-саргардон.
6. Мева.
8. Бухгалтерия атамаси.
9. Қизлар исми.
15. Футбол юлдузи.
18. Бидъат....
19. Хуфёна билдириш.
20. Тошкентдаги анҳор.
23. Нуфузли кўмита.
26. Сўровнома.
28. Ўзбек детектив видеофильми.
29. Лиро-эпик асар.
32. Поёни йўқ.
33. Ҳажвий газета.
34. Уйи йўқ киши.
35. Соч ўрама.

Энига:

7. Ўзгал маскан.
10. XVIII асрнинг улкан кашфиёти.
11. Шарқий Европадаги шаҳар.
12. Туркиядаги шаҳар.
13. Ҳиндуизм худоларидан бирининг номи.
14. Бурж номи.
16. Ҳамма учун керак.
17. "Қўлбола" девор.
21. Билмаганлар учун қўрқоқлик.
22. Келишув, мулоқот.
24. Математик термин.
25. Бет, варақ.
27. Эстрада хонандаси (исми).
30. Расулulloҳ волидаси.
31. Сажадоҳ каби муқаддас.
36. Россия худудидаги дарё.
37. Кучук номи.
38. Россия футбол командаси.
39. Туппа-тузук, дуруст.
40. Ўз-ўзидан ивиб қолган нарсаси (сут ҳақида).

Тузувчи: А.ХАСАНОВ

КРОССВОРД

	1	2	3		4	5	6
7			8	9	10		
			11				
12					13		
14	15		16			17	18
			19			20	
					22		
					23		
						25	
					26		
27	28	29		30			31 32 33
				34			35
36							37
				38			
39							40